

“ХУРСАНДЛИГИМИЗНИ КЎРСАНГИЗ ЭДИ...”

2-саҳифа



КЕЛИН УЙГА ҚАЙТДИ

3-саҳифа



КИМ НЕЧА СОАТ РЎЗА ТУТАДИ?

4-саҳифа



1925-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

YOSHLAR OVOZI

№37 (16342) 2019-YIL 8-MAY, CHORSHANBA

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

www.yoshlarovozi.uz

yoshlarovozi@umail.uz

@Yoshlarovozi

Сайтнинг ўзгача ўқиб-қилини телефонга орқали сўраш мумкин.

ЭРТАНГИ КУНГА МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИК ҲИССИ БИЛАН ЯШАШ, ХАЛҚИМИЗГА САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ОЛИЙ БУРЧИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган йирик лойиҳалар ва аввал берилган топшириқлар ижроси билан танишиш мақсадида 6-7 май кунлари Фарғона вилоятида бўлди.

Шавкат Мирзиёев 6 май куни вилоятдаги йирик лойиҳалар билан танишар экан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобидан туманларга саноатни олиб кириш, бандликни таъминлаш, хотин-қизлар ва ёшлар манфаатларини рўйбга чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Худудда ўтган бир йилда

эришилган натижалар чуқур таҳлил қилиниб, келаси йилга мўлжалланган вазифалар муҳокама этилди. Дунё бозорига чиқиш учун рақобатбардош бўлиш, саноат ўртак ривожланган туманларда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, энг асосийси, вилоят иқтисодиётига сармоя, технология ва инновацияларни жалб этиш бўйича тегишли йўналишлар белгиланди.

(Давоми 2-саҳифада).

ТАЪЛИМ УЧУН 560 МИЛЛИОН СЎМ



Пойтахтимизда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг таълим гранти соҳиблари тақдирланди. Мазкур лойиҳа ташкилотнинг ёшлар ижтимоий ҲИМОСИГА қаратилган энг йирик ташаббусларидан бири ҳисобланади.

Бу йилги танлов якунига кўра, 150 нафар йигит-қизнинг шартнома пули — жами 560 миллион сўм Иттифок томонидан тўлаб берилди. Номзодлар етим қолган, Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган ва ногиронлиги бор ёшлар орасидан танлаб олинган.

Талабалар шаҳарчасидаги Ёшлар марказида бўлиб ўтган тақдирлаш маросимида таълим гранти танлови ғолибларига тегишли имтиёз тақдим этилган тўғрисидаги сертификат ҳамда кимматбаҳо совғалар топширилди.

Айтиш керак, Ёшлар иттифоқи оғир турмуш шароитида қолган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор давлат ташкилотлари ва молиявий тузилмаларнинг ҳомийлик маблағларини ҳам жалб этмоқда. Масалан, жорий ўқув йилида “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти, “Orient Finans” ҳамда “Asia Alliance” хусусий тижорат банклари 11 нафар талабага ўқитиш тўлов-контракт асосида давом эттиришга ёрдам берди.

Рохатой ҚОДИРОВА

МУЛОҚОТ

ҲОКИМ ЁШЛАРНИ ЭШИТДИ

Элликқалъа туманидаги санъат саройининг ёзги дала шийонида туман ҳокими Сейдадат Аvezов маҳаллий ёшлар билан учрашди. “Ибратли тенгдошим” мавзусидаги мулоқотда мuddатли харбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳамда вақтинча ишсиз ёшлар қатнашди.



Учрашувга туман мутасаддилари билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман Халқ қабулхонаси, мудофаа ишлари бўлими, Ёшлар иттифоқининг маҳаллий кенгаши, шунингдек, бир қанча қорхона ва ташкилотлар раҳбарлари тақлиф қилинди.

Туман ҳокими сўзга чиқиб, ёшларга яратилган шароитлар хусусида тўхтади. Навқирон авлоднинг орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш давлатимиз эътиборидаги масала экани таъкидланди. Сейдадат Аvezов туман ёшлари турли фан олимпиадалари ҳамда спорт мусобақаларида пешқадамлик қилаётгани ҳақида мамнуният билан гапирди, бундай ютуқлар замирида доимий эътибор ва меҳнат ётганини, Ватанимиз довругини жаҳонга ёётган йигит-қизлар сафи аянда кенгайиши кераклигини қайд этди.

Очик ва самимий руҳда ўтган мулоқот чоғида Иттифок фаоллари, ёш тадбиркор, фермер, хунармандлар турли саволлар билан ҳокимга мувожаат қилди. Баъзи масалалар жойида ҳал этилди. Атрофлича ўрганилиши зарур ҳолатлар бўйича тегишли ташкилот ва идоралар мутасаддиларига топшириқлар берилди.

Муддатли харбий хизматни ўтаб қайтган, шунингдек, спорт ва санъат йўналишларида фахрли ўринларни эгаллаган ёшларга китоб ҳамда кимматбаҳо совғалар топширилди. Тадбир меҳнат армаркаси билан якуланди.

Озода РЎЗИМОВА

MUNOSABAT

КЕСКИН БУРИЛИШ

Президент қароридан сўнг халқаро фан олимпиадаларидаги нуфузимиз ортадимми?



Генетикларнинг таъкидлашича, ҳар бир инсон муайян қобилият билан туғилди. Демак, истеъдод ҳаммада бор. Лекин уни юзага чиқариш, ҳақиқий кучга айлантириш бошқа масала. Бунинг учун муттасил меҳнат керак. Саъй-ҳаракатларни бир ўзанга солиш ҳам муҳим. Шунда натижа бўлади.

Бугун ёшларимиз билим ва тафаккур бобида дунёдаги тенгдошлари билан беллаша оляпти. Уларнинг халқаро фан олимпиадаларидаги иштироки ёмон эмас. Масалан, сўнгги ўн йил мобайнида ўзбекистонлик ўқувчилар математика, физика, кимё, биология, информатика фанларидан 72 та медални қўлга киритди. Албатта, бундан кўнига қодиримиз. Таассуфки, юртимизда ҳали-ҳануз интеллектуал салоҳияти юқори йигит-қизларни аниқлаш ва фан олимпиадаларига тайёрлаш бўйича яхши тизим яратилгани йўқ. Бундай жисдий камчиликни бартараф этиш мақсадида 2019 йил 3 майда Президентимизнинг “Иқтисодий ёшларни аниқлаш ва юқори маънавий кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.

3-саҳифа



Ёшлар иттифоқининг Жиззах вилояти кенгаши ташаббуси билан илк бор “Қадриятлар қадрланган юрт” шиори остида ёшлар сайёҳлик фестивали ўтказилди. Унга Зомин туманидаги “Амир Темур” оромгоҳи мезбонлик қилди.

Лойиҳанинг бош мақсади ёшларни кўхна тарихимизни чуқурроқ ўрганиш, халқ маданий ва маънавий меросини асраб-авайлашга ундаш, шу аснода туристик фаолиятни жонлантиришдан иборат.

Фестивалга камраб олинган минг нафардан зиёд йигит-қиз мафтунок табиат қўйнида дам олиш баробарида, пазандалик ҳамда дастурхон тузашга доир маҳоратини намойиш

БЕШТА ИШ ЎРНИ ВА ЎНТА ПЛАНШЕТ

Президентимизнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга доир бешта муҳим ташаббуси Қорақалпоғистонга ҳам етиб борди. Етиб борибгина қолмай, балки ҳар бир йигит-қизни катта орзу-умидлар сари чоғлаётир.

Аёллар бандлигини таъминлаш масаласини олайлик. Яқинда Беруний туманида Ёшлар иттифоқи саъй-ҳаракати билан беш нафар киз ишга жойлаштирилди. Тагин бир кунда!

Масалан, Шахло Болтабоева Республика Ёшлар марказининг Қорақалпоғистон бўлинмасига тўғрақ раҳбари сифатида ишга олинди. Шу марказда пазандалик сирларини ўрганган Гузал Тўхтабоева, Феруза Сапаева ҳамда Ирода Бекполотова энди тумандаги “Севара ой” масъулияти чекланган жамиятида меҳнат фаолиятини олиб бормоқда. Бошқа тенгдошимиз — Лолаҳон Сапарбаевага оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиши учун электр печи совға қилинди.

Яна бир хушхабар. Беруний туманидаги Ёшлар марказида информатика тўғраги очилди. Ўғил-қизлар янги билимларни марок билан ўзлаштириши учун уларнинг ихтиёрига ўн та сўнгги русумдаги планшет тақдим этилди. Яқин кунларда тўғрақ хонаси замонавий компьютерлар билан жиҳозланади.

Бешта муҳим ташаббуси Элликқалъада ҳам ҳаётини ифодасини топмоқда. Ёшлар иттифоқи бошчилигида маҳалла ёшлари эрталабки бадантарбия машқларига жалб



қилинмоқда. Бундан ташқари, спорт мусобақаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Барча туманларда “Қадрлон мактабимга китоб совға қиламан” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Йигит-қизларга табиат қўйнида расм чизиш, миллий кўргазмалар, театр томошалари, ахборот технологияларига доир ҳамда мусикий тадбирларда иштирок этиш имконияти яратилган.

Кўнғирот саноат касб-ҳунар коллежиде 150 нафар ишсиз аёлга тикувчилик сирлари ўргатилди. Уларнинг бир қисми туманда янги қурилаётган тикув цехига ишга қабул қилинади. Яна етти нафар хотин-қизга тикув машиналари олиб бериш кўзда тутилган.

Клара ХУДОЙБЕРГЕНОВА,
Индир МАМБЕТНАЗАРОВА

ҚАДРЛАНАЁТГАН ҚАДРИЯТЛАР

— Фестиваль байрам руҳида ўтди, — дейди иштирокчи Қутлубек Муродқосимов. — Қадриятлар намойишидан олам-олам таассурот олдим. Юртимиз ҳудудларига саҳнат қилгандек бўлдим, гўё. Менда тарихий шаҳарларни зиёрат қилиш истаги уйғонди. Ташкилотчиларга раҳмат!

Элдор НАВРЎЗОВ.
Муаллиф олган сурат.

ЭРТАНГИ КУНГА МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИК ХИССИ БИЛАН ЯШАШ, ХАЛҚИМИЗГА САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ОЛИЙ БУРЧИМИЗ

(Бошланиши 1-саҳифада).

Ташрифнинг иккинчи куни Фаргона шахрида вилоят фаоллари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, нурунийлар, талбиркорлар иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев сўзининг аввалида йиғилганларни, бутун халқимизни Рамазон ойи ҳамда яқинлашиб келаётган Хотира ва қадрлаш куни билан табриклади.

2018 йили Фаргона вилоятида sanoat 8 фоиз, хизмат кўрсатиш 9 фоиз, ўзлаштирилган инвестициялар 1,5 баробар ўсган. Лекин аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ҳудудий маҳсулот республика кўрсаткичидан анча пастлиги, Қўштепа, Фуркат, Олтиариқ, Фаргона, Ёзёвон туманларида sanoat ривожланмагани қайд этилди.

Шу боис вилоятни 2019-2020 йилларда ривожлантириш бўйича умумий қиймати 26 триллион 401 миллиард сўмлик 643 та лойиҳадан иборат янги ҳудудий инвестиция дастури ишлаб чиқилган. Мазкур дастур доирасида 2,5 миллиард доллар тўғридан-тўғри хоржий инвестиция ўзлаштирилади ва 31 мингдан зиёд иш ўрни яратилади.

Масалан, Бешарик туманида “Фаргона Ясин қурилиш моллари” корхонасида 200 миллион долларлик лойиҳа амалга оширилиб, жорий йилда 800 минг тонна ва кейинги йилдан 1,2 миллион тонна цемент ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Кўкон шахрида “Индорама” компаниясининг 70 миллион доллар тўғридан-тўғри сармоясига ҳисобидан Кўкон суперфосфат заводи модернизация қилиниб, фосфорли ўғит ишлаб чиқариш қуввати 100 минг тоннадан 375 минг тоннага етказилади. Учкўприк туманидаги “Шаффоф омадди sanoat” корхонасида жами 30 миллион доллар сармоя ҳисобидан автомобиллар учун йилга 350 минг дона газ баллонни, 2020 йилдан юк кўтарувчи электр қаралар, мини-тракторлар ва кишлоқ хўжалиги техникаси учун ускуналар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга дастурдаги ҳар бир лойиҳани амалга ошириш бўйича тармоқ жадвалларини тасдиқлаб, ижросини таъминлаш юзасидан топшириқлар берди.

Фаргона вилоятига инвестиция олиб келиш, sanoat ва талбиркорликни ривожлантириш бўйича бир йил фавқулодда сафарбарлик эълон қиламиз. Ана шунда ўзгариш бўлади. Келаси йил май ойида ҳокимликлар, барча вазирликлар қилинган ишлар ҳақида ҳисобот беради, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз йиғилишда аҳолини иш билан таъминлаш, даромадларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. “Ҳар бир оила – талбиркор” дастури доирасида ўз бизнесини бошламоқчи бўлган оилаларни аниқлаб, икки-уч ой ичида уларга белгиланган миқдордаги имтиёзли

кредитларни тўлиқ ажратиш зарурлигини таъкидлади.

Фаргона – моҳир хунармандлар, уста деҳқонлар юрти. Бу ернинг кўнчилиқ, боғдорчилик анъаналари – тайёр бренд. Бундан фойдаланиб, вилоятда чарм ва пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича қўшимча лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, “Чарм-атторлик маркази” ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Келгуси икки йилда Олтиариқ туманида 3 минг гектар майдонда узумчилик, Кува туманида 2 минг гектарда анорчилик, Кува туманида 2 минг гектар майдонда гилосчилик кластерлари ташкил этилиши маълум қилинди. Ушбу кластерлар ўзлари мева етиштириш билан бирга аҳолидан ҳам сотиб олади. Бунинг учун хонадонларга 15 миллион туп ток, 10 миллион туп гилос ва 5 миллион туп анор қўчатлари етказиб берилди. Бу ҳам аҳоли даромадларини, ҳам вилоят экспорт салоҳиятини оширади.

Яқин йилларда Олтиариқ туманини тўлиқ узум етиштиришга ихтисослаштириш, илмий-тадқиқот институтлари ва Тошкент давлат аграр университети олимларининг тавсиялари асосида боғ ва ток қатор ораларида бозорбоп сабзавотлар етиштириш режалаштирилгани таъкидланди.

Вилоятда жорий йилда “Обод кишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 45 та кишлоқ ва 15 та шаҳар маҳалласида 8 мингта ховли-жой, 327 та кўп қаватли уй, юзлаб километр йўللар, ичимлик

сув ва электр тармоқлари, ижтимоий соҳа объектларида 326 миллиард сўмлик таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилади. Натижада 212 минг аҳолининг турмуш шароити яхшиланади.

Фаргона, Қўкон, Кувасой ва Марғилон шаҳарларида 14 та кўп қаватли арзон уй, 145 та кўп қаватли тижорат уйлари, кишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида 252 та яқка тартибдаги ва 54 та кўп қаватли арзон уй-жой барпо этилади.

Йиғилишда Ёшлар масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Вилоятда 7 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар сони 970 минг бўлиб, улар билан ишлаш масаласи ҳар доим диққат-эътибор марказида бўлиши қайд этилди. Шунинг билан бирга, ёшлар билан ишлаш бўйича “Фаргона тажрибаси”ни яратиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилгани таъкидланди.

Жорий йилда 46 минг нафар ёшнинг бандлигини таъминлаш бўйича манзилли чора-тадбирлар шакллантирилган. “Ёшлар — келажакимиз” Давлат дастурига мувофиқ, 208 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратиш орқали 867 та лойиҳани амалга ошириш ва 7 минг иш ўрни ташкил этиш белгиланган.

Президентимиз бешта муҳим ташаббус бўйича Фаргона вилоятида ҳам муайян ишлар қилинаётгани, уларнинг ижроси ҳар бир ҳокимлик ва вазирликнинг асосий вазифасига айланиши кераклигини таъкидлади.

Бешта муҳим ташаббус — янги сиёсатимиз. Уларни амалга ошириш бўйича

Бўка тумани намуна сифатида танлаб олинди. Ҳар бир туман ҳокими бешта ташаббусни жорий этиш бўйича йил якунида ҳисобот беради. Бешта ташаббус ижроси доирасидаги ҳамма ишлар мактаб атрофида мужассам бўлиши керак. Улардаги спорт заллари, клублар болаларга берилиши, ёшларимиз бу ерга келиб спорт билан шуғулланиши, китоб ўқиши, ахборот технологияларини ўрганиши, баркамол бўлиб улғайиши лозим. Иқтисодиёт қандай ривожланса, бешта ташаббус доирасидаги ишларга ҳам шундай эътибор қаратсақ жамиятимизда муҳит ўзгаради, одамларимизда ҳаётга ишонч ортади. Бу баландпарвоз гаплар эмас ҳаёт-мамотимиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Очик мулоқот тарзида ўтган йиғилишда сўзга чиққанлар Президентимиз бошчилигида барча соҳаларда амалга оширилаётган изчил ислохотлар ҳудудлар ҳаётида ҳам аксини топаётгани, бундан аввало одамлар рози бўлаётганини таъкидлади. Шу билан бирга, айрим масалалар бўйича мавжуд муаммолар ўртага ташланди. Давлатимиз раҳбари кўтарилган ҳар бир муаммони жойида ҳал этиш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Шу билан Президентимизнинг Фаргона вилоятига ташрифи якунланди.

Матназар ЭЛИМУРДОВ,
Масъуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

QADRIYAT

МУБОРАК ОЙГА МУНОСИБ АМАЛ

Президентимизнинг жорий йил 1 майдаги “Муборак Рамазон ойини муносиб таразда ўтказиш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Ёнгин хавфсизлиги институти ходимлари ва курсантлари Заңгиота, Янгийўл ҳамда Сергели туманидаги қабристонларда ҳашарлар ўтказди.



обод қилишга қўшган хиссаси туман аҳолисини беҳад қувонтирди.

Шерали АНВАРОВ,
Фарходжон ХўЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Ёнгин хавфсизлиги институтининг
матбуот хизмати ходимлари

Ҳашарда 400 нафар ходим ва курсантлар иштирок этди.

Қабристонларни обод қилиш меҳроқибат, одамийликдан сабоқ берувчи бебаҳо тарбиявий аҳамиятга эга анъанадир. Курсантларнинг миллий қадриятларини асраш, ақлодларимиз хотирасини улуғлаш, муқаддас қадимларни

TARGHOB

ЗАВҚЛИ ТАШАББУС



Нукус шахридаги Ёшлар марказида китобхонлик байрами бўлиб ўтди. Тадбир доирасида китоб ярмаркаси ҳамда “Китоб — инсон қалбининг нури” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши “Мен севган асар” лойиҳасини ҳам амалга оширди. Қорақалпоқ ёш томошабинлар театри актёрлари эртак қаҳрамонлари киёфасида турли шеърлардан парчалар ўқиб, бадий асарлар сюжет

ти асосида кичик сахна кўринишларини намойиш этди.

Тадбирда қатнашган ёшларга шаҳар кутубхоналарига бепул аъзо бўлиш имконияти тақдим этилди.

Индира МАМБЕТНАЗАРОВА

YOSHLAR PRESS-KLUBIDA

2018 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгашида Ёш оилалар билан ишлаш бўлими ташкил этилган эди. Ўтган давр мобайнида бўлим қатор давлат идора ва ташкилотлари билан ҳамкорликда катта лойиҳаларни ҳаётга таъбиқ этди.

“МЕНИНГ ОИЛАМ — МЕНИНГ БАХТИМ!”

15 май — Халқаро оила кунига бағишлаб “Менинг оилам — менинг бахтим!” шиори остида бўлиб ўтган Ёшлар пресс-клубининг навбатдаги сессияси бўлим ишлари таҳлига бағишланди.

Тадбирда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан республика миқёсида ўтказиладиган “Биз соғлом оиламиз” шиори остидаги оилавий юриш ва югуриш марафони, “Оиламга китоб билан” китоб кўргазмалари, “Ибратли оилалар ташрифи”, “Юридик кабулхона” ва “Психологик кабулхона” каби лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

“Ибратли оила” танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари, фан, санъат, маданият, спорт, ишлаб чиқариш соҳасида узоқ йиллик тажрибага эга намуна оилалар ва талабалар иштирок этган сессияда “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан нашр этилган “Оила” энциклопедияси ва Ёшлар иттифоқи ташаббуси билан чоп этилган “Бўлажак куёвларга эслатма”, “Бўлажак келинларга эслатма” тарғибот китобчалари тақдими бўлиб ўтди.

Мухбиримиз

KONFERENSIYA

“1001 МАҲАЛЛА” ҒОЛИБ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Талабалар анъанавий медиаконференцияси” бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, ЎЗМУ ва ЎЗДЖТУнинг журналистика факультетлари, Тошкент шаҳар ҳокимияти, “Конрад Аденауэр” жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда талабалар илмий инновацион фикрлаш, медиа лойиҳалар яратиш, янги бизнес моделларни ишлаб чиқишда қўниқмаларни шакллантириш ҳамда илмий ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш масалалари бўйича фикр алмашди.

Конференцияда талабалар ўзларининг 14 та медиа лойиҳаси билан иштирок этди.

Яқинда “1001 маҳалла” лойиҳаси ғолиб деб топилди, ташкилотчиларнинг уч миллион сўм пул мукофоти ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Юлдуз НОРМАМАНОВА,
ЎЗЖОКУ талабаси

TASHABBUS

“ХУРСАНДЛИГИМИЗНИ КЎРСАНГИЗ ЭДИ...”

Эликқалъа туманида Ёшлар иттифоқи ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга ёрдам қўлини чўзмоқда.



Яқинда ташкилот вакиллари маҳаллий ҳокимлик мутасаддилари билан бирга “Тошкент” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган Хайринисо Қурбонбоева ҳамда Азиза Содиебаева хонадониди бўлди. Ҳар иккала оилага энг зарур озик-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

— Бизни йўқлаб келганлари учун Ёшлар иттифоқига миннатдорлик билдираман, — дейди Х.Қурбонбоева.

— Бундай ғамхўрликдан бошимиз кўкка етди. Қизим — Юлдузнинг хурсанд бўлганини кўрсангиз эди. Ахир, инсонга бир оғиз ширин сўз, озгина эътибор ҳам катта далда беради. Президентимиз халқ холидан ҳаммаша бохабар. Ёшларга кенг имкониятлар эшиги очиб берилмоқда. Бундан бағоят хурсандимиз.

Малик СИНДОРОВ

SPORT

“МЕН ҲАМ ВАТАН ҲИМОЯЧИСИМАН!”

Олмазор туманидаги Миллий гвардия ҳарбий қисмида тумандаги олтита умумтаълим мактабининг спортсевар ёшлари иштирокида “Мен ҳам Ватан ҳимоячисиман!” шиори остида ҳарбий спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

Миллий гвардия ҳамда туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида ўтказилган мусобақада ўғил-қизлар кучини синаб кўрди.


Яқинда ғолиблар ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари, диплом ва кубок билан тақдирланди.

— Ҳарбий-спорт мусобақасидан қўзланган мақсад ўқувчилар ўртасида дўстона муҳитни шакллантириш, ёшларимизни “омма-



вий маданият” таҳдидларидан асрашдир, — дейди туман халқ таълими бўлими мудир Замира Азимбоева.

Бунёдбек ЗАЙНУТДИНОВ



КЕСКИН БУРИЛИШ

Президент қароридан сўнг халқаро фан олимпиадаларидаги нуфузимиз ортадимми?

Аслида ислохотни анча эрта — Ўзбекистон вакиллари учун халқаро фан олимпиадаларига йўл очилган пайтданок бошлаш керак эди. Мазкур масала ўн йил олдин ҳам кўтарилган.

Юртимизда илк бор кимё фанидан 42-Халқаро Менделеев олимпиадаси ўтказилиши муносабати билан ташкил қилинган матбуот анжуманида журналистлардан бири шундай нуфузли форумлар учун ўқувчиларимизни мақсадли равишда тайёрлайдиган марказ очиб ҳақида таклиф берганди. Ушанда мутасаддилар бош чайқаб кўйганди, холос. Аммо амалий ишларга ўтилмади.

Ваҳоланки, ҳамкасбимиз назарда тутган илмий хаблар Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, ҳатто кўшни Қозоғистон Республикасида кўндан буён мавжуд. Улар нечоғлиқ самарали ишлаётгани мазкур давлатлар терма жамоалари халқаро фан олимпиадаларида кўрсатётган натижалардан маълум. Масалан, математика бўйича Хитой, АҚШ, Жанубий Корея анъанавий лидерлар сафидан жой олган. Россия, Венгрия, Руминия, Таиланд, Тайвань, эронлик ўқувчилар ҳам мўлқам. Сўнгги йилларда Қозоғистон ўз позицияларини анчагина яхшилади.

Юқоридаги тахлиллардан кўринадики, Ўзбекистонда иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўйича вазият ўзгармас экан, халқаро фан олимпиадаларидаги нуфузимизни

ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДАДА ОЛТИН МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН ЎҚУВЧИГА 100 МИЛЛИОН СЎМ МУКОФОТ БЕРИЛАДИ!

ошириш ҳақида ўйлаш бефойда. Ҳарқалай, Президент қароридан сўнг тизимда тез фурсатда муҳим ислохотлар қилинишига ишонамиз. Чунки энди бу нафақат оддий хоҳиш-истак, балки давлатимизнинг кат-



ий позицияси, таъбир жоиз бўлса, талабдир.

Қарор мазмунига қайтайлик. Унга кўра, Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда асосий олимпиадалар ўтказиладиган фанлар рўйхатини тасдиқлаши керак. Эътибор беринг, матнда “асосий олимпиадалар”, дейилган. Демак, республика фан олимпиадалари сони ҳозиргидек битта эмас, балки бир нечта бўлиши кутилмоқда. Мазкур фактни Халқ таълими вазирлигининг умумтаълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси Акмал Ҳамидов ҳам тасдиқлади.

— Ҳозирча аниқ рақамни айти олмайман, — дейди А.Ҳамидов. — Таклифлар энди шакллантирилмоқда. Лекин республика фан олимпиадаларини кўпайти-

СЎНГИ ЎН ЙИЛ МОБАЙНИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЎҚУВЧИЛАР МАТЕМАТИКА, ФИЗИКА, КИМЁ, БИОЛОГИЯ, ИНФОРМАТИКА ФАНЛАРИДАН 72 ТА МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ.

ўтказиш тартиби белгиланди. Шу орқали ёшларга билимини синаб кўриш учун кенг-роқ имконият берилмоқда.


Масалан, Россия Федерациясида юздан ортиқ ички олимпиадалар мавжуд. Биттасида ғолиб бўлмаган бола вақт ўтказиб, кейинги ўқув йилини кутиб ўтирмайди, балки бошқа олимпиадаларда иштирок этишга ҳаракат қилаверади. Муҳими, ўқиб-изланишга, ўз устида ишлашга иштиёқи сўнмайди. Мазкур тизим энди бизда ҳам татбиқ қилинмоқда. Ўйлашимча, тез фурсатда кутилган самарага эришамиз.

Қарорнинг 5-банди барча ўқитувчино ўқувчиларда бирдай мамнуният уйғотганига шубҳа йўқ. Аслида бундан бутун халқ қувонса арзийди. Гап рағбат ҳақида бормоқда.

Бундан буён халқаро фан олимпиадасидан олтин медаль олиб қайтган болага давлат бюджети ҳисобидан энг кам ойлик иш

ҳақининг 500 (2-ўринга — 300, 3-ўринга — 200) баравари миқдоридан бир марталик пул мукофоти берилди. Бу 100 миллион сўм дегани! Ақлу зақоси билан халқаро майдонда Ватанимиз шон-шавкатини юксалтира олган қорақўларимиз шундай рағбатга (ҳатто, бундан ортиғига!) муносиб, албатта. Ахир, ёш спортчиларимиз катта-катта пул мукофотларидан ташқари, замонавий автомобиль ва янги хонадонлар билан сийланипти-ку!

— Шу чоккача халқаро фан олимпиадасида 1-ўринни эгаллаган ўқувчи энг кам талаба стипендиясининг атиги 10 баравари, республика фан олимпиадаси ғолиби эса 3 баравари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланарди, — дейди Акмал Ҳамидов. — Ҳозир рағбат суммаси кўп қарра оширилди. Қолаверса, халқаро олимпиада ғолибини тайёрлаган ўқитувчи бир марталик пул мукофоти



(энг кам ойлик иш ҳақининг 150 бараваридан 450 бараваригача)дан ташқари, директор жамғармасидан йил давомида маошига 200 фоизгача устама олиш имкониятига эга. Ғолиб ўқувчи таълим олаётган муассаса директорининг ўзига ҳам навбатдаги ўқув йили учун устама тўланади.

Яна бир гап. Халқ таълими вазирлиги ҳузурда ташкил этилаётган янги департамент зиммасига олимпиада ғолиблари ва совриндорларнинг келгуси фаолиятини мониторинг қилиш ва қўллаб-қувватлаш вазифалари ҳам юклатилган. Демак, бундай ўқувчилар мактаб ёки лицейни тамомлагач, исзис йўқолиб кетмайди. Давлат уларни ўз қанотига олади, интеллектуал жиҳатдан юксалишига кўмаклашади ва турган гапни, иқтидорно салохиятидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади. Қарорга мувофиқ, олий таълим муассасаларини тамомлаган олимпиада ғолиблари мамлакатнинг истикболли мутахассислар захирасига киритилиши фикримизни яққол исботлайди.

Наргиза УМАРОВА

YUKSALISH

Ютуқлар икки баробар кўпайди

Юртимиздаги олий таълим муассасалари кўплай иқтидорли кадрларни етиштириб чиқаряпти. Жумладан, Андижон давлат тиббиёт институти ҳам бу борада ўз ўрнига эга.

Институт 1955 йилда ташкил топган бўлиб, ҳозир давслаш, педиатрия, стоматология, врачлар малакасини ошириш факультетлари ҳамда касбий таълим, тиббий профилактика, олий ҳамширлик иши йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрла-

япти. Муассасада 573 профессор-ўқитувчи 4 мингга яқин талабага таълим бермоқда.

Андижон давлат тиббиёт институтининг талабалари кўплай халқаро олимпиада, конференцияларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Масалан, жорий йилнинг 21-22 февраль кунлари Доғистон давлат тиббиёт университетида ўтказилган III Умумроссия олимпиадасида институтнинг 4 нафар иқтидорли талабаси фахрли 1-ўринни қўлга киритган. 6 апрель кунини Ставрополь шаҳридаги тиббиёт университетида “Нормал физиология” фанидан ўтказилган олимпиадада институт талабалари 2-даражали диплом билан тақдирланди. Астрахань давлат

тиббиёт университетиде “Тиббиётда шошилинч ҳолатлар” бўйича ўтказилган халқаро олимпиадада институт ёшлари жамоаси 1-ўринни эгаллади.

Ўтган йили халқаро олимпиадаларда институтнинг 22 нафар талабаси юқори ўринларни қўлга киритган бўлса, жорий йил биринчи чорагининг ўзида бу кўрсаткич икки баробарга ошди. Ўз иқтидори, билим-заковати билан юртимизда тиббиёт соҳасини ривожлантиришга ҳаракат қилаётган ёшларимиз, албатта, эзгу мақсадларига етади. Ўз бунга ишонамиз.

Ҳасан УСМОНОВ

жаев, Мамасодиқ Жамолдинов, Исроил Манданов, Юнус Юсупов ёш ҳамкасблари билан самимий суҳбат қуриб, ўтмиш хотираларини, урушнинг суронли йилларини ёдга олди. Ўйлаётган эритувчи уста, Ўзбекистон Қаҳрамони Олим Тўйчиевнинг комбинатдаги меҳнат фаолиятига доир кизикarli гурунгини-ку, ёшлар жон қўли билан тинглади.

Сўнгра меҳмонлар байрам билан кутланди. Уларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

“Металлурлар” маданият саройи бадий жамоалари иштирокидаги мусикий дастур барчага хуш кайфият улашди. Қолаверса, “Ўзметкомбинат”нинг 75 йиллик юбилейи муносабати билан виқторина ўтказилиб, ғолиблар муносиб тақдирланди.




илгор ишчи ва ходимлари катнашди. Фахрий меҳнатқашлар — Раббим Нур-

Бекзод ҚОДИРОВ

YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA

Келин уйга қайтди

Жамият тараққий этиши ва мустақамланишида оиланинг ўрни беқийс. Оилада соғлом муҳит ҳукм сурса, ота-она бир-бирига меҳрибон, суянчиқ бўлса, фарзандлар қомил шахс этиб тарбияланса, бахт тўқис, оила қўрғони бутун бўлади.



Бироқ баъзан ҳаётда бунинг аксини кўрамиз. Ёш оилалар турли сабабларга кўра бузиляпти, болалар тирик етимга айланяпти...

Ажримларнинг олдини олиш мақсадида Ёшлар иттифоки Жиззах вилояти кенгаши ташаббуси билан “Мустақам ва соғлом оила барпо этамиз!” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Яқинда Иттифок, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази, Хотин-қизлар кўмитаси мутахассислари ҳамда дин вакиллари вилотининг олис ҳудудларидан бири — Арнасой туманида бўлиб қайтди.

Аниқланишича, “Бахтли” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи 1996 йилда туғилган Зулайҳо Босимова ҳамда 1990 йилда туғилган Самад Муродов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) оилавий келишмов-

чилик сабаб ўн ойдан буён бирга яшамаётган экан. Мутахассислар аввал ёш келиннинг ота уйига бориб, ўзи ва яқин қариндошлари иштирокида вазиятни обдон ўрганди. Кейин Самад Муродов Ёшлар иттифоқининг туман кенгашига чакиртирилиб, имомхатиб иштирокида у билан суҳбат ўтказилди.

Иккала ёшнинг ота-онаси билан ҳам тушунтириш ишлари олиб борилди. Охир-оқибат, оила яраштирилди. Зулайҳо келинлик уйига қайтди.

— Жаҳл чикса, ақл кетиши рост экан, — дейди С.Муродов. — Қилган ишмдан пушаймонман. Оила — муқаддас. Энди бахт қўрғоним бузилишига сира йўл қўймайман.

Рохатой ҚОДИРОВА

9-MAY — XOTIRA VA QADRLASH KUNI

Мазмунли гурунғ

“Ўзметкомбинат” акциядорлик жамияти касба уюшмаси кўмитаси Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти билан ҳамкорликда уч авлод учрашувини ташкил этди.

Маданий-маърифий тадбир Хотира ва кадрлар кунига бағишланди. Унда меҳнат фронти фахрийлари, корхонада кўп йил меҳнат қилган нурунийлар, комбинатнинг



MUALLIFGA MAKTUB

NIVA SOHILLARIGA
YETIB BORSIN...

Kundaligimning "Saharliklar" bobidan faqatgina bir qismini olib yozmoqdaman. Niyatim, maktubga so'nggi nuqtani qo'yaman-u, varaqni shisha idishchaga joylab, daryoga otaman. Zora, Niva qirg'oqlariga etib borsa...

Janob Dostoyevskiy, "Jinoyat va jazo" asaringiz haqida abituriyentlik davrimda eshitgandim. O'shanda tala-ba bo'lsam, bu asarni, albatta, o'qib chiqaman deya niyat qilganman. Romanni juda qisqa fursatda o'qib tugatdim. Asar nomi sodda bo'lgani bilan, mazmunan murakkab, o'tkir psixologik syujet asosiga qurilgan. Avvaliga Raskolnikov sudxo'r kampirini o'ldirmasa kerak degan o'yda edim. Illo, bunday bo'lib chiqmadi. Umuman, maktubda asar voqealariga to'xtalish niyatidan yiroqman. Shuorimda isyon ko'targan fikrlarni yozmoqdaman...

Odamlar yolg'izlikdan qo'rqadi. Ehtimol, u qalbg'a ko'zga tuta oluvchi yagona mard bo'lgani uchundir. Qalbda vijdon bor. Vaqt o'tgani sayin xatti-harakatlarimiz sabab qalb yanada go'zallashib yoki aksincha, o'z fusunkorligini yo'qotib boradi. Kun kelib u yolg'izlik tutgan ko'zguda o'z aksini ko'rgach, nima bo'ladi? Xatolar uyulib yotgan vujud uchun azobli kunlar boshlanadi. Inson bolasi jismoniy og'riqlarga tob berishi mumkin, ammo ruhiy azoblariga dosh bermog'i dushyor. Agar unda vijdon bo'lsa!

To'g'ri, Raskolnikov sodir etgan jinoyatni oqlamayman, biroq uni butkul qoralash niyatidan ham yiroqman. Asarni mutolaa qilayotib, quyidagi gaplar ostiga qalamda chiziq tortdim: "Kambag'allik ayb emas, biroq yo'qchilik bu — illat. Siz kambag'allikda hali o'zingizning olijanob fazilatlaringizni saqlab qolgan bo'lsiz, yo'qchilikda esa ularni hech qachon va hech kim saqlab qola bilmaydi".

Asarni o'qiganlar qotillikning asl ildizi yo'qsillik deya baho berishdi. Menimcha, unday emas. O'ylashimcha, Raskolnikov irodasi sustligi uchun ta-



laba maqomidan sobiq talabaga aylan-di. Oson turmushning o'zi bormi? U yashaydigan xonani shunday tasvirla-gansizki, go'yo majburan o'sha yerga

qamab qo'yilgandek. Mavjud muhitdan chiqib ketib, hayotini yaxshi tomon-ga o'zgartirishga intilsa bo'lardi-ku! U harakatsizligi uchun o'zini muqar-rar jazoga mahkum etdi. Men Raskol-nikovni millat uchun qotillik qilgan deb sanamayman. O'zi uchun intilmagan odam millat uchun jon kuydirarmidi?! Irodasi bo'sh inson bunday fidoyilikka qodir emas. Chunki hamma ish ruhiyat-dan kelib chiqqan holda natija beradi. Irodasiz inson qiyinchiliklar bilan ro'ba-ro' kelganda shuuriy haqiqatlar tundla-sha boshlaydi...

Maktubni kitobning buklangan sahi-fasini ko'chirish bilan yakunlayman. Ki-tobda bunday sahifalar talaygina. Bular men takror va takror o'qigan jumlarlar, xolos!

Umida SAYLIYEVA

BUKLANGAN SAHIFA

...hammasi odamning o'z qo'lida, yuragining dov bermaganidan keyin burningning tagidagi narsadan quruq qolgan. Qiziq, odamlar hammasidan ko'proq nimadan qo'rqadilar? Bir yangi ishga jam qiltildan, bir yangi so'z aytishdan hammasidan ko'ra ko'proq qo'rqadilar...

Bir o'linga hukm etilgan odam qatt etilmagan bir soat oldin, agar men juda ham baland bir yerda, qovayning tepasida, faqat ikkita oyoq sig'adigan bir joyda yu-shashimga to'g'ri kelganda, atrofim esa zimiston qorong'lik, tubsiz, intibosiz okean, abadiy zulmat, abadiy yolg'izlik va abadiy bo'ron esib yotgan bir mahit bo'lsa-yu, shu bir qarich yerda tik turib, bir umr, ming yil, million yil yashashga to'g'ri kelsa, shunda ham shu hayot o'lib ketganga qaraganda ming mara afzal, deb bilardim! — degan ekan. Faqat yashamoq, yashamoq va yana yashamoq!

Berkatidigan narsasi bo'lmagan kishilar o'zlarini baxli deb bilsalar arzidi. Keng fikri qalbi teran odamlar uchun azob va dard chekish shart doimo. Menimcha, chinakam buyuk odamlar yurag' daryoga kelib ulag' bir azob tuyular, o'jabmas.

Hamma narsada chek-chegara degan narsa borki, undan narog'iga o'tish xatarlidir. Zotan, bir marra chegaradan chiqadigim, keyin orqaga qaytish kerak bo'ladi.

Yoshlar uchun eng satarli narsa ham shu, g'ayrining o'ziga yo'l topolmay bo'lg'lik qolishi, mag'rur intilishlar-ning o'ziga yo'l topolmasligi!

maydi. Tekshiruvchi chetdan kelsa bormi, hamma oyog'i kuygan tovuqday tipirchilaydi. Shoshilinchda to'garak "tashkil etiladi", allaqanday tadbirlar o'yab topiladi, hisobotlar joy-joyiga keltiriladi.

Avvaliga sergak tortardik. Keyin ko'ni-kib ham qoldik. Nega deysizmi? Axir, nozirlarga faqat to'ldirilgan qog'ozlar muhim! Talabning kallasida nima borligi bilan ularning ishi yo'q!

Ammo hammasidan o'tib tushadigani — sessiya. Kutubxonada joy tan-qis bo'lib qolishini o'shanda ko'rdim. Yakuniy nazorat yaqinlashaversa, hamma bilimdon bo'lib qoladi. Vey, pul o'rtaga tushsa, odam otasiniyam tani-may qolar ekan!

Ayrimlar o'zi xohlagan bahoni olol-magach, o'zgaral oyog'iga bolta urishga chog'lanadi: "Falonchiga nega "a'lo" baho-yu, menga "yaxshi"?", yana biri: "Men doim darsga kelganman, "to'rt" qo'yib bering", deb talab qiladi. Dom-lani ko'ndirolmasa, darhol rahbariyatga chiqadi. Haqiqiy tomoshani sessiya pay-tida ko'rasiz! Jurnal ko'tarib yurishdan boshqasiga yaramaydigan kurs sardori (starosta)ning'ishi silliqqina bitarkan-ey.

Afsuski, talabalar biror idoraga ish so'rab borganida o'qishga formada kel-gani, jurnalda "nb'si yo'qligi, kons-pekt yozgani, "a'lo" baholarga o'qigani inobatga olinsa kerak, deb o'ylovdim. Chuchvarani xom sanabman! Dekanat-u rektoratning bu talablarini so'zsiz bajar-gani bilan zarur ko'nikmaga ega bo'lma-sa, ishga joylashish qiyin...

Mana endi, abituriyentlarga astoydil havasim kelyapti. Ular bilim olish bilan band, qog'oz to'ldirish bilan emas...

Bunyod ABDULLAYEV

O'QING, BU QIZIQ!


KIM NECHA SOAT
RO'ZA TUTADI?

Bu yilgi ro'za mavsumi bahorning oxiri, yozning boshiga to'g'ri kelmoqda. Yer sharining turli burchaklarida yashaydigan ikki milliardga yaqin musulmonlarning ro'za tutish muddatlari bir-biridan farq qiladi. Diyorimiz musulmonlari

Ramazonning boshida salkam 16 soat ro'zador

bo'lsa, o'ning oxiriga kelib, 17 soatga yaqin vaqt davomida "og'iz berk" bo'ladi.

Bu yil Skandinaviya mamlakatlari musulmonlari kun davomida eng uzoq vaqt ro'zador bo'ladi. Jumladan, Is-



landiya poytaxti Reykyavik musulmonlari bir kunda 21 soat ro'za ush-laydi. Finlyandiya poytaxti Xelsinki-da 19 soat-u 50 daqiqa, Stokholm, Kopen-gagen va Osloda 19 soatdan ko'proq ro'za tutiladi.

Moskvada ham ro'za kunlari biz-dagidan uzunroq — 20 soatdan ortiq. Argentina esa buning aksi, bor-yo'g'i 12 soat.

Eng ko'p aholi yashaydigan Xi-toyning poytaxti Pekinda musulmonlar

16 soatdan ko'proq ro'zador bo'lsa, Ramazonning ilk kunlarida Yev-ro-pa mamlakatlari poytaxtlaridan Parij, Amsterdam va Berlinda 18 soat-u 30 daqiqa, Londonda esa 18 soat-u 20 daqiqa ro'za tutiladi.

Arab mamlakatlari poytaxtlaridan Qohira va Damashqda 15 soatdan ko'proq, G'azoda 16 soat, Bag'dod va Bayrutda 14 soatdan oshiqroq ro'za tutiladi.



Shimoliy Amerika haqida aytadigan bo'lsak, Nyu-Yorkda musulmonlar 16 soatdan ko'proq, Kanada poytaxti — Ottavada 18 soatdan ko'proq ro'zador bo'ladi.

Janubiy Afrika-da Keyptaun musulmonlari 12 soatdan sal ortiqroq, Keniya poytaxti Nayrobida 13 soatdan ko'proq, Dakarda 14 soatdan ko'proq ro'za tutishadi.



Hijriy taqvim o'ning harakatiga asos-langani bois, Ramazon oyi yilning turli fasli va milodiy taqvimning turli oylari-ga to'g'ri keladi. Oy ko'rinishiga qarab ba'zan 29 kun, ba'zida 30 kun davom etishi mumkin.

No'mon OTABOYEV tayyorladi.

YOSHLIK ILHOMI

Qarz

U juda siqilib ketdi. Yonida bir so'm puli qolmadi. Shaharda yordam so'ray-digan odami yo'q. Onasi uzoqda ya-shaydi, otasi esa, o'tib ketgan...

Ertalab cho'ntadiga bir oyga yetgulik mablag' bor edi. Lekin dabdurdustdan ertaga kursdoshining tug'ilgan kuni ekani yodiga tushdi. O'tgan yili uning tug'ilgan kuniga Azamat qimmatba-ho soat sovg'a qilgandi. Endi "qarz"ni uzish kerak. Eh, odamning g'ururi qur-sin, talabning — oliftagarchiligi...

U bozorga tushib, oxirgi puliga chet elning kastyum-shimidan sotib oldi. Yotoqxonaga qaytganda yana bezovta-landi — endi sovg'aga mos chiroyli g'ifol olish kerak! O'zidan kichik kurs-da o'qiydigan tanishidan o'n ming so'm qarz olib, institut yonidagi bozorchaga yugurdi. Talashib-tortishib, sotuvchini zo'rg'a o'n bir ming so'mga ko'ndirdi. Yana ming so'm qarz bo'lib qoldi.

"Tavallud kuningiz muborak bo'lsin!" deb yozilgan bejirim sumkani ko'tarib xonaga kirganida vaqt shomdan o'tgan edi. Ishni pishitgandan keyingina ju-dayam og'ir qolganini his qildi.

Ul-bul yegulik izlab, kursdoshlari-ning xonasini taqillatsa, eshik qulf. No-iloj ortiga qaytdi. Oshxona jo'mragidan to'ygunicha suv ichdi. Yuragi siqildi. Kitob o'qishga kirishdi, birozdan so'ng uxlab qoldi.

BILASIZMI?



O'zbekiston Respublikasi Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeksning 42-moddasiga ko'ra, Davlat tilini men-simagan shaxsga 202 ming 730 so'mdan 405 ming 460 so'mgacha jarima solinadi.

O'zbekiston yoshlar ittifoqi Markaziy Kengashi jamoasi Yoshlar ittifoqi Markaziy Kengashi raisining o'rinbosari Begmat Ochilovga otasi

Ahmad ota OCHILOVning vafoti munosabati bilan hamdardlik bildiradi.

"Yoshlar ovozi" va "Молодежь Узбекистана" gazetalarida hamda "Yosh kuch", "Dugonalar" jurnallari tahririyatlari jamoalari O'zbekiston yoshlar ittifoqi Markaziy Kengashi raisining o'rinbosari Begmat Ochilovga otasi

Ahmad ota OCHILOVning vafoti munosabati bilan ta'ziya izhor etadi.

TOSHOYNA

KUTUBXONA
torlik qiladi-ya!

Abituriyentlik paytimda kitob-daftar ko'targan talabani ko'rsam: "Qachon menga ham nasib qilar ekan-a", deya orzumand bo'lardim. Mana, orzum ushaldi — men ham oliy o'quv yurti talabasiman. Keling, o'qishdagi ayrim taassurotlar bilan o'rtoqlashsam.



Shu deng, kunora tadbir chiqib qoladi. Bitta muzeyga qayta-qayta boraveramiz. Premyera, ko'rgazmalarda odam ko'o'p bo'lmasa, televideniye "chehra-si ochilmaydi". Zalning to'lishi hisobot uchun ham kerak-da.

Oliy o'quv yurti ostonasidan hat-laboq, tekshiruvchi, nazoratchiga yo'liqasiz. Proraktor, dekan, ba'zan rektorning o'zi xonama-xona yurib chiqadi. Formasi, daftar-ruchkasi yo'q, kechikib kelgan talabalar darsga qo'yil-

MUASSIS

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va
axborot agentligida 2017-yil
2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta
ro'yxatdan o'tgan.

BOSH MUHARRIR

Faxriddin KARIMOV

TAHRIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Begmat Ochilov, Madamin Safarov, Azim Mirzajonov,
Mehrinov Abbosova, Ra'no Shodiyeva, Shodmonqul Salomov,
Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"),
Javlon Vafoyev — mas'ul kotib ("Yoshlar ovozi"),
Yelena Kallina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Navbatchi

Boboravshan
G'UZIDDINOV

Dizaynerlar

Xurshid
ABDULLAYEV

Zafar
RO'ZIYEV

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Telefonlar: (71) 150-22-74,
(71) 233-95-97,
(71) 233-79-69 (faks)

Saytning o'ziga o'xshash
QR-kodni telefoningiz orqali
skaner qiling.

Bo'shiga topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 23.25
O'za yakuni — 22.15

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi.

Hajmi — 2 bosma tabaq.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indeksler: 203, 3203

Bahosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G-513
Adali — 21170

Bo'shiga topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 23.25
O'za yakuni — 22.15